



ТЕМИРҲО‘ЛСНИ

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 16-aprel • payshanba • № 15 (6595)

Президент Шавкат Мирзиёевга нефть-газ тармоғида барқарор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таъминлаш ва молиявий-иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисобот берилди.

НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга нефть-газ тармоғида барқарор ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таъминлаш ва молиявий-иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисобот берилди.

“Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти тизимида жорий йилнинг биринчи чораги якунлари, иккинчи чорадаги асосий вазифалар, ишлаб чиқариш ҳамда молиявий кўрсаткичлар динамикаси кўриб чиқилди.

Тармоқда қазиб чиқариш ҳажмларини барқарорлаштириш, мавжуд йўқотишларни қоплаш, қудуқларни ишга тушириш, таъмирлаш ва технологик тадбирлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Шу билан бирга, харажатларни мақбуллаштириш, дебитор қарздорликни қисқартириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда айрим йўналишларда бозор механизмларини такомиллаштириш бўйича ишланмоқда.

Қудуқлар самарадорлигини ошириш ва қазиб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада халқаро компаниялар билан ҳамкорликда бир қатор технологик ечимлар ўрганилаётгани ва уларни босқичма-босқич амалиётга киритиш кўзда тутилаётгани таъкидланди.

Геология-қидирув ишларини кенгайтириш, янги истиқболли майдонларни аниқлаш ва уларни ўзлаштириш бўйича олиб борилган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Жумладан, 2D ва 3D сейсмика-қидирув тадқиқотлари кўламини ошириш, янги майдонларда бурғилаш ишларини бошлаш, бурғилаш дастурларини халқаро талаблар асосида ташкил этиш, шунингдек, супервайзинг, геологик-гидродинамик моделлаштириш ва лойиҳалаштириш жараёнларини янада такомиллаштириш чоралари қўрилмоқда. Қайд этилганидек, жорий йилда бир қатор янги майдонларда иш бошланган бўлиб, навбатдаги босқичларда бу ишлар янада кенгайтирилади.

Ўрта муҳлатли дастурлар доирасида қийин ўзлаштириладиган захираларда ишлаш, чуқур ва мураккаб қудуқларни бурғилашда илғор хорижий тажрибани жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари нефть-газ тармоғида ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш, мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш, геология-қидирув, бурғилаш ва таъмирлаш ишларини тизимли асосда ташкил этиш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Prezident.uz

“ТОШКЕНТ-ЖАНУБИЙ” ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИДА ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2023 ЙИЛ 10 ОКТЯБРДАГИ “ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ 329-СОНИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН БИР ҚАТОР ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.



малол ҳеч қандай ҳужжатларсиз кириш имконияти;
• Вокзал ҳудудига қатор автотураргоҳлар ҳамда автотураргоҳларнинг

кириш эшиги ҳудудига ҳаракатлана олиши жорий этилди;
• Технологик хизмат кўрсатиш: поездлар ҳақида

тезкор маълумот берувчи электрон таблолар ва замонавий терминаллар сони кўпайтирилди.

Ушбу вокзалдан Тошкент – Хива, Тошкент – Бухоро, Тошкент – Шовот, Тошкент – Андижон – Термиз, Тошкент – Кўнғирот, Тошкент – Термиз, Тошкент – Сарийосиё, Андижон – Олот, Андижон – Тошкент – Урганч, Андижон – Хива каби маҳаллий йўналишларга қатновлар амалга оширилади.

Тошкент – Чиноркент, Тошкент – Ховос, Тошкент – Бекобод, Тошкент – Сирдарё, Тошкент – Гулистон йўналишлари бўйича қатновчи шаҳарлараро поездлар ҳам ушбу вокзалдан қатнайди.

Таъкидлаш лозимки, кеча-ю кундуз фаолият кўрсатилаётган ушбу муҳташам вокзалда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш муҳим масала ҳисобланади.

Давоми 2-бетда

Хусусан, 2017 йилда тубдан реконструкция қилинган “Тошкент-Жанубий” темир йўл вокзали мамлакатимизнинг энг катта вокзалларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу вокзалдан бир сутка мобайнида 18 та маҳаллий ва 5 та шаҳарлараро йўналишларда 10 минг нафардан ортиқ йўловчи фойдаланмоқда.

Жаҳон андозаларига мос юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган VIP ва кутиш заллари шинам, барча қулайликларга эга ҳамда телевизор ахборот воситалари билан жиҳозланган. Шунингдек, “Она ва бола” хонаси, электрон кутубхона, Wi-Fi, тиббиёт хонаси, ногиронлар аравачаси, қўл

юки аравачалари, мобил қурилмалар учун қувватлантириш манбаи, электрон маълумотлар таблоси, замонавий лифт йўловчилар хизматида.

Иқлим мусоффолигини таъминлаб турадиган 14 метрлик иккита замонавий фаввора вокзалга ўзгача кўрк бағишлаб турибди. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вокзал ҳудудига 170 та видеокузатув камераси ўрнатилган.

“Тошкент-Жанубий” вокзалда йўловчилар учун қуйидаги янги қулайликлар мавжуд:

• Вокзалда йўловчиларни кузатиб келувчи ҳамроҳларига темир йўл вокзалининг перрон ҳудудига бе-



ҚАРОР ИЖРОСИ АМАЛДА

ДУНЁНИ КИТОБ ЎҚИГАНЛАР БОШҚАРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 15 январдаги “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида фаолият юритаётган ходимларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириб боришга аҳамият тобора ортиб бормоқда.



Зеро, китоб мутолааси нафақат дунёқарашни кенгайтиради, балки тахлилий фикрлашни ривожлантиради, ижодкорликни оширади ва мураккаб вазифаларга инновацион ечимлар топиш кўникмасини шакл-

лантиради. Президентимиз қарорининг III-бўлим 9-бандига мувофиқ, ташкилотларда “Китоб бурчаги” ташкил этиш ҳамда ходимлар учун ҳар ой “Китоб ўқиш соати”ни жорий этиш

вазифаси белгиланган. Шу асосда Бошқарма биносининг кириш қисмидаги 1-пост ҳудудига 2 та “Китоб бурчаги” ташкил этилди ҳамда ходимлар учун мунтазам “Китоб ўқиш соати” йўлга қўйилди.

Қарорнинг асосий мақсади 2026-2030 йиллар давомида аҳолининг китобхонлик даражасини ошириш, яъни ҳар бир фуқарога тўғри келадиган ўртача ўқилган китоблар сонини йилга 10 тага етказишдан иборат.

Шу муносабат билан узоқ йиллар давомида хизмат қилиб келган, 1938 йилдан буён Темир йўл маданият саройида фаолият юритган илмий-техник кутубхона, унда 15 мингдан ортиқ китоб фонди (шундан қарийб 10 мингга яқини илмий-техник адабиётлар) билан Бошқарма биносига кўчирилиб, замонавий талабларга мос равишда қайта ташкил этилди.



Бугунги кунда ушбу кутубхона бой бадиий ҳамда илмий-техник адабиётлар фондига эга бўлиб, ходимларнинг касбий билим ва кўникмаларини оширишлари учун барча зарур шароит яратилган. 2026 йил 9 апрель куни темирйўлчилар орасида китобхонликни ривожлантириш мақсадида Бошқарма ҳудудига ходимлар ўртасида қисқа сўровнома ўтказилди. Мазкур сўровномада 200 га яқин ходим иштирок этиб, уларнинг китобхонликка

бўлган қизиқишлари ҳамда таклифлари ўрганилди. Кутубхона ходимлари томонидан китобхонликни кенг тарғиб қилиш, ходимларни кутубхонага аъзо бўлишга ва ундан мунтазам фойдаланишга чақириш ишлари олиб борилди. Ишончимиз комилки, китобхон ходим нафақат маънавий жиҳатдан бой, балки ўз касбининг етук ва юқори малакали мутахассиси сифатида тизим ривожига муносиб ҳисса қўшади.

КАСАБА УОШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

МЕХНАТ ЖАМОАСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА ТЕГИШЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



2026 йил 10 апрель кuni “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти ҳамда Худудий касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган Жамоа шартномасининг 2025 йил давомида бажарилиши бўйича олиб борилган ишлар ҳисоботи ва 2026-2028 йиллар учун янги Жамоа шартномасини қабул қилиш мақсадида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали меҳнат жамоасининг конференцияси бўлиб ўтди.



Конференцияда “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали бошлигининг биринчи ўринбосари А.Эргашев, Худудий касаба уюшмаси қўмитаси раиси М.Жумаев, узел бўлим бошлиқлари, конференция делегатлари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилот раислари иштирок этдилар.

Кун тартибига киритилган масалалар юзасидан музокаралар бўйича сўзга чиққан ходимлар томонидан 2023-2025 йиллар учун тузилган Жамоа шартномаси бандларининг 2025 йил давомида бажарилиши юзасидан ҳисоботлар ўқиб эшиттирилди ва Жамоа шартномасининг мажбуриятларини 2025 йил якуни бўйича бажарилиши тўғрисида далолатнома тасдиқланди.

Шунингдек, 2026-2028 йиллар учун қабул қилинадиган Жамоа шартномаси лойиҳасига киритиладиган қўшимча ва ўзгаришларни инобатга олган ҳолда иш берувчи ҳамда Худудий касаба уюшма қўмитаси томонидан имзоланиши маъқул топилганлиги боис “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали меҳнат жамоасининг конференциясида тегишли қарор қабул қилди.

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги барча касаба уюшма ташкилотлари фаоллигига мазкур Жамоа шартномасига киритилган ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш билан боғлиқ қўшимча имтиёз ва кафолатлар тўғрисида барча меҳнат жамоаларида кенг миқёсида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш вазифаси юклатилди.

Р.ЯНГИЕВ,
Худудий қўмита ташкилий бўлим етакчи мутахассиси

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ХАВФСИЗЛИК – ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Темир йўл инфратузилмаларида хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент минтақаси темир йўл транспортида хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (ХТБ) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи (ҲПГ) катта инспекторлари томонидан темир йўлга яқин жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинлари, ўқув муассасалари, темир йўл корхона ва ташкилотларида профилактик йиғилишлар ўтказилиб, фуқаролар ўртасида темир йўл ҳаракати хавфсизлиги акс эттирилган огоҳлантирувчи флаерлар мунтазам равишда тарқатилиб, темир йўл инфратузилмаларида жиноят ва ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Шунингдек, 2026 йилнинг биринчи чораги давомида “Орзу” ҳамда “Тўқимачи” бекатлари ХТБ ҲПГ инспекторлари томонидан темир йўлларда хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилди. Жумладан, олтига яқин кундузги

ва тунги рейдлар ўтказилиб, 210 нафарга яқин фуқаро билан профилактик суҳбатлар олиб борилди, темир йўлларда ҳуқуқбузарлик содир этган 237 нафар фуқарога нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг тегишли моддаларига асосан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

Темир йўл объектларида хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш юзасидан жами 77 мартаба профилактик учрашув ҳамда йиғилишлар ўтказилди.

Темир йўлда хавфсизлигини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида хизмат ҳудудида ўтказилган тадбирлар давомида аниқланган камчиликларни ҳамда содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга яратилаётган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида жами 10 та тақдимнома, таклиф ва мурожаатномалар киритилди.

Дилмурод РАҲИМОВ,
“Орзу” бекатида ХТБ ҲПГ катта инспектори, катта лейтенант,
Жонибек НОМОЗОВ,
“Тўқимачи” бекатида ХТБ ҲПГ катта инспектори, капитан

ҚУЛАЙЛИК

ТЕМИР ЙЎЛ ОСТИДАН ПИЁДАЛАР ЙЎЛАГИ ҚУРИЛДИ

Темир йўл юртимиз иқтисодиётининг қон томири бўлиб, мамлакат тараққиётида муҳим ўринга эга.



Кейинги йилларда темир йўллар инфратузилмасини ривожлантириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Темирйўл инфратузилма” акциядорлик жамиятининг “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда Транспорт назорат инспекциясининг худудий бўлими ташаббуси билан Самарқандда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам таҳсинга сазовордир.

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиалининг “Зарафшон” ҳамда “Самарқанд” станциялари оралиғида жойлашган пиёдалар ўтиш йўлаги йўл усти бўйлаб жойлашганлиги боис, бу аҳоли учун ноқулайликларни келтириб чиқараётган эди. Ушбу йўлни замонавий пиёдалар ўтиш туннелига айлантириш лойиҳасининг амалга оширилиши эса худудда хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўтиш туннелининг қурилишидан асосий мақсад маҳаллий аҳоли, айниқса, мактаб ўқувчилари учун ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Қурилиш ишлари лойиҳа асосида олиб борилиб, барча техник талаб ва меъёрларга қатъий риоя қилинди.

– Анжирзор маҳалласида аҳоли темир йўлнинг усти қисми орқали ҳаракатланар эди, – дейди муҳандис Нурбек Исमतов. – Ҳозирги кунда аҳо-

лига қулайлик яратиш, уларнинг темир йўлдан хавфсиз кесиб ўтишини таъминлаш мақсадида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали ҳамда Самарқанд темир йўл масофаси раҳбарияти томонидан ташаббус кўрсатилиб, ушбу темир йўл остидан пиё-

далар ўтиш йўлаги ташкил қилинди. Тажрибали темирйўлчилар томонидан бажарилган ушбу бунёдкорлик ишлари замонавий техникалар ёрдамида амалга оширилиб, сифатли темир-бетон ускуналаридан фойдаланилди. Мазкур йўналишдаги ишлар доира-

сида “Булунгур” – “Жомбой” станциялари оралиғида автомобиллар ҳаракати учун мўлжалланган туннель қурилиши тўлиқ янқуланиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоот транспорт воситаларининг ишончли ва узлуксиз ҳаракатини таъминлаш, тирбандликлар-

нинг олдини олиш ҳамда ҳайдовчилар ва йўловчилар учун қўшимча қулайлик яратишга хизмат қилмоқда. Туннель замонавий қурилиш талаблари асосида барпо этилиб, белгиланган тартибда фойдаланишга топширилди. Амалга оширилаётган бундай бу-

нёдкорлик ишлари темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, мавжуд объектларни реконструкция қилиш ҳамда транспорт тизимини комплекс ривожлантириш сиёсатининг амалий ифодасидир. Энг муҳими, ушбу лойиҳалар инсон омили ва хавфсизлигини устувор йўналиш сифатида белгиланган ҳолда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Келгусида ҳам темир йўл кесимида яратилган хавфсизлигини таъминлаш, пиёдалар ва транспорт воситалари учун замонавий ва ишончли инфратузилма яратиш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Бу эса темир йўл тармоғининг самарадорлигини ошириш, худудлар ўртасидаги транспорт алоқаларини янада мустаҳкамлаш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ушбу хайрли бунёдкорликдан маҳалла фуқаролари, айниқса, мактаб ўқувчилари жуда хурсанд бўлишди. Негаки, авваллари ушбу худуддан ўтишда кўп қийинчиликлар кузатирилган. Хусусан, поездлар ўтиш вақтида узоқ кутиб қолишлар бўлган, бу ер аҳоли учун хавfli худудга айланган эди.

Бугун ушбу пиёдалар йўлагини қурган темирйўлчилардан маҳаллий аҳоли жуда миннатдор бўлмоқда.

Шароф МАРУПОВ,
Самарқанд шахри,
Чилқудуқ маҳалласи нуронийси

“ТОШКЕНТ-ЖАНУБИЙ” ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИДА ЙЎЛОВЧИЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Шу боис “Тошкент-Жанубий” вокзалида Хавфсизлигини таъминлаш бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи инспекторлари томонидан вокзалда хавфсизлигини таъминлаш мақсадида доимий равишда зарур ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 1 апрелидан 1 майга қадар мамлакатимизда “Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш йўналишида профилактик тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. “Тошкент-Жанубий” вокзалида хавфсизлигини таъминлаш бўлими ходимлари томонидан ҳозирги кунда Тошкент шаҳрига меҳмон сифатида келиб кетувчи фуқароларга юртимизда бўлиб ўтаётган “Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш” комплекс тезкор-профилактик тадбири ўтказилиб, ёшларга тушунтириш ишлари олиб борилмоқда ва турли кўринишдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан флаерлар тарқатилмоқда.



Шунингдек, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вокзал орқали ўз манзилларига кетувчи йўловчиларни замонавий металл рамка ҳамда мавжуд бўлган кўл юкларини интраскоп аппаратлари орқали текширувдан ўтказиб, хавфсиз худудга киришлари таъминланади. “Тошкент-Жанубий” вокзалида Хавфсизлигини таъминлаш бўлими ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи инспектори катта лейтенант Мухтор Ёвқочдиев, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи инспектори катта лейтенант Тоҳир Мамадиёров ҳамда патруль-пост ходими, сафдор Лутфулла Деҳқонбоев томонидан тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш вокзалда фаолият кўрсатаётган ҳуқуқ тартибот ходимлари фаолиятининг асосий мақсади ҳисобланади. Аҳолига янада кенг қулайликлар яратиш, йўловчиларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш борасида бундай эзгу ишлар бардавом бўлиши шубҳасиз.

Жорий йилнинг 14 апрель кuni “Тошкент жанубий” темир йўл вокзалида оммавий ахборот воситалари вакилларига йўловчилар учун яратилган қулайликлар ва имкониятлар яна бир бор яқиндан таништирилди. Шунингдек, вокзалда йўловчилар учун “Qo'noq South Railway Hotel” меҳмонхонаси ҳам фаолиятини бошлади.


Мазкур меҳмонхонанинг ишга туширилиши “Тошкент-Жанубий” вокзали худудида йўловчилар, сайёҳлар ҳамда шаҳримиз меҳмонларига замонавий ва сифатли меҳмонхона хизматларини кўрсатиш имконини янада кенгайтиради.

Рустам ҲАЙДАРОВ

ТИББИЁТ ИСЛОҲОТЛАРИ

ЙЎЛ БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИ ЯНА БИТТА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ЖИҲОЗГА КЎПАЙДИ

“Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти йўл болалар касалхонасининг қулоқ, томоқ, бурун (ЛОР) бўлими хориждан келтирилган замонавий, сўнгги русумдаги тиббий жиҳоз билан таъминланди.



Тажрибали шифокор, 29 йилдан буён ушбу касалхонанинг Лор бўлимида фаолият кўрсатиб, ўтган вақт давомида жуда кўп бўлажак темирйўлчилар ва айнаи вақтда уларнинг фарзандларига ҳам хизмат кўрсатиб келаётган олий тоифали отоларинголог шифокори Алишер Равшанов билан мазмунли суҳбатимиз бўлимга ўрнатилган замонавий тиббий жиҳознинг афзалликларини ҳамда беморларда кўп учраб тураётган айрим касалликлар сабаблари ҳақида бўлди.

— Алишер ака, касалхонада сўнгги йилларда беморлар учун яратилаётган шароитлар ҳақида гапириб берсангиз?

— Мен ушбу касалхонада 1998 йилдан бери фаолият олиб бораётган бўлсам, ҳозирги ҳолат ва шароит билан у даврдаги ҳолатни ер билан осмонча фарқи бор, десам муболаға бўлмайди. Хусусан, айнаи вақтда бионаларнинг ташқи ва ички қисмларини таъмирлаш бўйича жуда катта ишлар олиб бориляпти. Шулар қаторида биринчилардан бўлиб раҳбарият томонидан менинг жажжи беморларимга қулайлик яратиш мақсадида кириш қисмига яқинроқ бўлган бинони таъ-

мирлаб беришди. Чунки ўзингизга маълумки, болажонларнинг асарият касалликлари қулоқ, бурун, томоқ билан боғлиқ. Шунингдек, бўлимга янги ўрнатилган замонавий тиббий жиҳоз ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Мазкур тиббий ускуна ни узоқ йил кутган эдик. Чунки 2004 йили айнан шу эндоскоп билан ишлаш бўйича Олмаота шаҳрида ўқиб, сертификат олганман. Шундан кейин бир неча мартаба касалхона учун сотиб олиш зарурлигини айтган эдим. Аммо бу таклифимнинг қаноатлантирилиши бугунги кунга тўри келди. Касалхонамизда биз ва беморлар учун яратиб берилаётган бу каби шароитлар учун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси З.Нарзуллаев ҳамда “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти раҳбариятига катта миннатдорчилик билдирдим. Янги таъмирланган ва замонавий жиҳозлар билан тўлдирилган бўлимда нафақат болажонларга, балки кат-

таларга ҳам, хусусан, шу атрофдаги аҳолига, халққа 24 соат хизмат кўрсатмоқдамиз.

— Ушбу ускунанинг афзалликларини нималардан иборат?

— Аввало, у ҳозирги кундаги энг замонавий лор касалликларини аниқлаш ва даволаш ускунаси. У бир вақтнинг ўзида аниқ ташхис қўйиш ва муолажалар қилишда жуда қулай, осон ва енгил. Аниқса, бемор кўрик давомида экран орқали лор органларидаги ҳолатни ўз кўзи билан кўриб туради. Қулоқ, томоқ, бурун ювишда ускунанинг ўзи керакли дориларни қиздириб беради ва унинг бир қисми бўлган бемор ўтирадиган курси ҳам тугмачалар ёрдамида керак бўлган ҳар хил ҳолатга келтирилади.

— Алишер ака, кимдир сурункали тонзиллитда бодомсимон безларни олдирган маъқул, бошқа биров эса бу безга умуман тегиш мумкин эмас, дейди. Мутахассис сифатида бунга сизнинг

фикрингиз қандай?

— Олдинлари кимда сурункали тонзиллит ташхиси қўйилса, бодомсимон безлар олиб ташланган. Бироқ ҳозирги тиббиёт бўйича бодомсимон безларни имкон қадар сақлаб қолиш керак, чунки уни ўзига яраша яхши томонлари жуда кўп. Биринчидан, филтер вазифасини бажаради, микробларни ушлаб қолади, ҳавони иситиб, намлаб беради, иммунитетни ҳам сақлаб туришда роль ўйнайди. Шунинг учун ҳозирги кунда бутун дунё тажрибаси бўйича мазкур безни бирданига олиб ташлаш керак, деган нарсга йўқ. Ангинани олдини олиб, вақтида даволаб, физиотерапия муолажаларини қилиб, муздек егуликлар, совуқ ҳаводан эҳтиёт қилиб юрилса, 70 фоизга яхши бўлиб кетади. Бўлмаса, асорати бошқа органларга бера бошлайди. Яъни буйракда, юракда ўзгариш бўлади, оёқда шишлар, оғриқлар кузатилади. Шундай ҳолатларда таҳлиллар олиниб, биринчи

муолажалар қилиб кўрилади. Агар шундан сўнг ҳам яхши натижаларга эришилмаса, асоратлар берса охириги чора — тонзиллэктомиядир. Бугунги кунда илжожи борича тузатишга ҳаракат қилинади, бактериологик суртмалар олиниб, санация қилинади, бурундаги аденоидлар текширилади, томоқ ювдирилади, инъекция, лазер, физиотерапиялар қилиниб, иммунитет кўтарилди. Шунда беморларнинг 70-80 фоизи яхши бўлиб кетади.

— Сўнгги йилларда беморларда бурунни ювдириш ҳолатлари ҳам кўпайиб бормоқда. Аслида бурун қайси ҳолатларда ювишти керак?

— Бу муҳокамали савол. Бурун оқишида оддий тумов, грипп, ринит ринофарингитда бурун ҳеч қачон ювишмайди. Бурун чиғаноқлари ва ўрта бурун йўли ҳамда гоймар пешона бўшлиғида каналлар келади, уларни эндоскопда кўрганда каналдан йиринг чиқиб туради, шундан

сўнг рентген қилинганч, ювиш керак бўлади.

Ушбу суҳбатимиз жараёнида Алишер ака қабулига 2 нафар жажжигина опа-сингил беморлар ташриф буюрди. Кейин билсам, уларни олиб келган отаси темирйўлчи бўлиб, болалик пайтлариданоқ Алишер акага даво истаб тез-тез келиб турган экан. Болажонлар ҳам ўз уйидек кириб келишар экан. Алишер ака уларни набираларидек — бола тили билан кутиб олди. Энг қизиги, болажонлар ўз хоҳиши билан бемор курсисига ўтириб, ҳаттоки экрандаги бурун ва томоқдаги ўзгаришларни қизиқиш билан кузатишди. Билишимча, бу ускунадан улар иккинчи мартаба фойдаланаётганлари учун ўзларини эркин туттишган экан.

Шундай қилиб, суҳбат давомида айрилган гапларга амалда ҳам гувоҳ бўлдим.

Назозат НУРМАТОВА
суҳбатлашди

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

СТРАТЕГИК ЛОЙИҲА ҚУРИЛИШИДА ИШЧИ ГУРУҲ ШАКЛЛАНТИРИЛДИ

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Э.Ризаев топириғига асосан қурилиш ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш мақсадида малакали мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилди.



Мазкур гуруҳ лойиҳанинг барча босқичларини мувофиқлаштирилади, бош пудратчи томонидан юкланган вазифаларни ўз вақтида сифатли бажарилишини таъминлайди, харажатларни оптималлаштириб, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланилишини назорат қилади.

Қурилиш жараёнида замонавий технологиялар жорий этилиб, лойиҳанинг халқаро стандартларга мувофиқлиги таъминланади.

“УРГАНЧ” ТЕМИР ЙЎЛ ШИФОХОНАСИ МУТАХАССИСЛАРИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА МАЛАКА ОШИРИШДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг тегишли кўрсатмаси асосида 2026 йил 30 мартдан 11 апрелга қадар “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти тизимидаги “Урганч” темир йўл шифохонаси бош шифокори И.Искандаров ҳамда невролог шифокори З.Хўжаевалар Жанубий Корея Республикасининг “Чеонгжу” тиббиёт марказига малака ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида хизмат сафарига юборилди.



Сафар давомида клиникада беморларни қабул қилиш ва даволаш жараёнлари, илгор ташхис қўйиш усуллари ҳамда замонавий тиббий ускуналардан фойдаланиш амалиёти билан батафсил танишилди. Шунингдек, лаборатория ишлари, ички назорат тизими ва телемедицина имкониятлари ўрганилди.

“Чеонгжу” тиббиёт маркази раҳбарияти ва мутахассислари билан ўлказилган учрашувларда касалликларни ташхислаш, даволаш стандартлари

ва ташкилот бошқаруви тизими муҳокама қилинди. Марказда қўлланилаётган модулли бошқарув тизими, профилактика дастурлари ҳамда аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий тиббий хизматлар таҳлил қилиниб, амалиётчи мутахассислар билан очик мулоқотлар орқали тажриба алмашилди.

Хизмат сафари давомида Корея тиббиёт муассасаларининг илгор тажрибаси чўқур ўрганилиб, замонавий технологиялар, юқори аниқликдаги ускуналар, жарроҳлик амалиётлари ҳамда реабилитация дастурлари билан яқиндан танишилди. Мазкур тажрибалар “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти фаолиятига жорий этиш учун амалий тавсиялар сифатида шакллантирилди.

“ЖАРҚУДУК” СТАНЦИЯСИДА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БАЖАРИЛДИ

“Темирйўл инфратузилма” акциядорлик жамияти бош муҳандиси С.Асоровнинг 170-ЖДС-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида “Жарқудук” станцияси 1-сонли йўлида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Мазкур ишлар белгиланган тартибда, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник талаблар асосида бажарилди. Технологик “оқно” жараёнларининг сифатли ва хавфсиз олиб борилишини таъминлаш, шунингдек, ишларни белгиланган тартибда бажарилишини назорат қилиш мақсадида “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи М.Мирзаев томонидан иш жойига чиқиб, назорат сафари амалга оширилди.

Назорат жараёнида бажарилаётган ишларнинг технологик кетма-кетлиги, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши, ишчи кучи ва махсус техникалардан самарали фойдаланиш ҳолати ўрганилди ҳамда масъул ходимларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан тасдиқланган 1-Ҳ-сонли “Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида “Тошғузор” — “Қайирма” станциялари оралининг 1-километр кўриқланадиган темир йўл кесиммаси ҳамда “Жарқудук” станцияси кўздан кечирилди.

ХАВФСИЗЛИК ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси назорати департаменти бошлиғи А.Шарифбаев ҳамда “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарлари ва тегишли мутахассислар иштирокида узелда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этилиши ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларида хавфсизлик даражасини янада ошириш масалалари ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида махсус вагон орқали темир йўл изларининг техник ҳолати, уларнинг соҳиллиги, юк кўтариш хусусиятлари, рельслар, шпаллар ҳамда балласт қатламнинг мустаҳкамлиги атрофлича текширилди. Шунингдек, темир йўл инфратузилмасига тегишли қурилмалар, сигнали-

зация ва алоқа воситаларининг ишлаш ҳолати ҳам ўрганилиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган амалий назорат ишлари олиб борилди.

Ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ҳаракат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда ишлаб чиқариш интизомини янада кучайтириш юзасидан масъул раҳбар ва мутахассисларга аниқ топшириқлар берилди. Шу билан бирга, профилактик тадбирларни кучайтириш, техник хизмат кўрсатиш ишларини сифатли ташкил этиш ҳамда хавфсизлик маданиятини ошириш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

Мазкур ўрганиш ишлари темир йўл транспортда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилма барқарорлигини мустаҳкамлаш ҳамда поездлар ҳаракатининг узлуксиз ва хавфсиз ташкил этилишига хизмат қилади.

ЯНГИ ПОЕЗД ҲАРАКАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Ж.Юсупов томонидан 2026 йил 6 апрель санасида имзоланган 180-НЗ-сонли буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида “Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиалида муҳим амалий машғулот ташкил этилди.

Мазкур машғулот Тошкент — Бухоро — Хива йўналишида янги замонавий “Hyundai Rotem” юқори тезликдаги электропоезди ҳаракатини йўлга қўйиш бўйича тайёргарлик ишларига бағишланди.



Амалий машғулотда “Темирйўл инфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари А.Аҳмедов, Ташишларни ташкил этиш департаменти бош мутахассиси И.Худойбергенов, соҳа мутахассислари ҳамда масъул ходимлар иштирок этди.

Машғулот давомида темир йўл инфратузилмасининг техник ҳолати, юқори тезликдаги поездлар ҳаракати хавфсизлиги талаблари, сигнализация ва алоқа тизимларининг тайёргарлиги, станциялар ва йўл участкаларининг техник имкониятлари ҳамда ходимларнинг малака ва билим даражасини ошириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Шу билан бир қаторда, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан ишчи-ходимлар томонидан берилган саволларга мутахассислар батафсил ва асосли жавоб беришди ҳамда амалий тавсиялар тақдим этилди.

Янги “Hyundai Rotem” электропоезднинг Тошкент — Бухоро — Хива йўналишида ҳаракатга қўйилиши йўловчиларга янада қулай, тезкор ва замонавий транспорт хизматларини тақдим этишга хизмат қилади.

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали жамоаси томонидан мазкур лойиҳа доирасида тайёргарлик ишлари тизимли равишда давом эттирилмоқда.



НА ДОРОГАХ МИРА

КОМПАНИЯ SIEMENS MOBILITY ОТКРЫЛА НОВЫЙ ЗАВОД В США

Siemens Mobility открыла в Лексингтоне (штат Северная Каролина) завод, специализирующийся на производстве пассажирских вагонов семейства Venture. В его создании эта компания инвестировала 220 млн долл. США. Первый выпуск нового подвижного состава намечен на лето 2026 г.



О начале строительства этого предприятия было объявлено в марте 2023 г., а в августе того же года состоялась закладка первого камня. Завод размещается на площади около 81 га, где также расположены цеха для проведения техобслуживания и ремонта вагонов и локомотивов, используемых в Северо-восточном коридоре (соединяет Вашингтон, Нью-Йорк и Бостон).

В производственном процессе на предприятии применяются современные цифровые технологии, включая искусственный интеллект, аналитику данных в реальном времени, роботизированные сварочные агрегаты, 3D принтеры и др. Имеется обучающий центр с элементами дополненной реальности (AR).

На заводе уже работает 375 сотрудников, а к 2028 г. их число увеличится до 500. Строительство предприятия частично финансировалось из средств штата Северная Каролина по программе создания новых рабочих мест. Согласно прогнозам, в течение 12 лет вклад этого производственного комплекса в экономику Северной Каролины достигнет 1,6 млрд долл. США.

ГРУЗИЯ ПРЕДСТАВИЛА ПЛАН РАЗВИТИЯ ЖЕЛЕЗНЫХ ДОРОГ

Правительство Грузии объявило, что планом развития национальных железных дорог в 2026 — 2028 гг. предусмотрено увеличить провозную способность сети в 2 раза, повысить уровень комфорта для пассажиров и сократить время в пути. Запланировано, в частности, приобрести 10 пассажирских поездов, 50 локомотивов и 1500 вагонов, а также обновить системы ЖАТ. Ожидается, что объем пассажирских перевозок вырастет с 2 до 5 млн чел. в год.



К августу 2026 г. намечено завершить работы по модернизации линии Тбилиси — Батуми, что позволит сократить время в пути с 5,5 до 4 ч. Предусмотрено восстановить пассажирские перевозки по железной дороге Тбилиси — Ахалцихе, приостановленные в 2009 г., продолжительность поездки по этому маршруту не превысит 3 ч по сравнению с 6 ч ранее. В январе 2027 г. откроется движение по исторической линии Боржоми — Бакуриани колеи 900 мм с пятью станциями.

По материалам интернета

СИЗ КУТГАН СУХБАТ

ЎЗБЕК САНЪАТИДАГИ “ЯГОНА АЁЛ ҚИЗИҚЧИ” НОМИ БИЛАН МАШХУР МАҲФУЗА ШЕРБОЕВА ЎЗИНИНГ ҲАЁТИЙ ҲИКОЯЛАРИГА АСОСЛАНГАН ҲАЗИЛЛАРИ ВА МОНОЛОГЛАРИ БИЛАН ТАНИЛГАН. У 1987 йил 28 октябрда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида туғилган. 2011 йилда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг бакалавр, 2013 йилда ЭСА магистратура босқичини эстрада актёрлиги йўналиши бўйича тамомлаган.

МАҲФУЗА ШЕРБОЕВА:

“ШУҚР ВА САБР БИЛАН ВАЗИЯТДАН ЧИҚИШГА ИШОНАМАН”



2025 йилда “Ўзбекистон ифтихори” кўрак нишони билан тақдирланган. Ижодий фаолиятини “Кулиш шарт”, “Чак-чак”, “Турқовоқ” каби кулги кўрсатувларида бошлаган. Бугунги кунда “Леди-шоу” ҳажвий кўрсатуви орқали мухлисларига қувонч улашиб келмоқда. Биз таникли комик актриса, қизиқчи Маҳфуза Шербоева билан суҳбатлашдик.

– Нима учун айнан қизиқчилик йўналишини танлагансиз?

– Тўғриси айтсам, қизиқчи бўлиш етти ухлаб тушим

га ҳам кирмаган. Институтда ўқиб юрган кезларимда комедия ролларни ижро этардим, лекин айнан шу соҳадан кетишимни тасаввур қилмаганман. Мени бу йўлга бошлаган инсон устозим Ортиқ Султонов бўладилар. Бир сафар кулги кўрсатувида ролни маромига етказо олмаганимда, устозимиз: “Қўлингиздан келса, қизиқчилик қилинг, бўлма – катта кўча!” деб қаттиқ гапиргандилар. Ушанда “Демак, менда шу йўналишга мойиллик кўряптилар”, деб хулоса қилганман. Кейин устознинг

ёнида юриб, соҳа сир-асрорларини ўргандим, қизиқчиликка меҳрим тушди. Бу соҳани танлаганимдан асло афсусда эмасман. Айнан шу йўналишда биринчилардан бўлганимдан, саҳнада яққохон концерт берган илк аёл қизиқчи эканимдан фахрланаман. Бунинг учун Ортиқ Султоновдан бениҳоя миннатдорман.

– Янги ҳазилларни қандай топасиз, махсус усулингиз борми?

– Репертуаримдаги ҳазилларни асосан ўзим ёзаман. Баъзи юморлар бўлади –

ўзимга ёқади, лекин ички бир туйғу билан уни қабул қилолмайман. Агар ўзим ишонмасам, уни халққа айтмайман. Кўп воқеаларни халқ ичидан, тўй-тадбирлардаги қизиқ характерли одамлар билан суҳбатдан, йўл-йўлакай бўладиган воқеалардан оламан. Китоб ўқиганимда ҳам қизиқ ҳолатларга дуч келсам, уларни тасаввур билан бойитаман. Қизиқчининг тасаввури кенг бўлиши керак. Устозим доим: “Ўзинг кулсанг, халқ ҳам кулади”, дейдилар. Раҳматли устозларимизнинг ижодидан илҳомланиб, янги репертуарлар устида ишлайман.

– Кулги санъатининг ўзига хос мураккаблиқлари нимада деб ўйлайсиз?

– Энг асосийси – меъёрни билиш. “Кулгилик-ку” деб, саҳнада аёл кишига ярашмай диган гапларни айтишдан йироқман. Саҳнага чиққанимда нафақат ўз обрўйимни, балки бутун Ўзбекистон аёлларининг шаънини ҳис қилиб тураман. Саҳна маданияти, этика ва эстетика қоидалари бор. Шу мезонларни бузмаган ҳолда ижод қилиш – энг муҳим вазифам.

– “Леди-шоу” кўрсатувининг яратилиш тарихи қандай кечган?

– Бунинг тарихи анча қизиқ. Бошида Барно Тешабоева, Хувайдо Жумаева ва мен – уч киши бўлиб “Афандининг қизлари” образида чиқмоқчи бўлганмиз, лекин бу лойиҳа ўхшамаган. Кейин бешта қиз тўпланиб, аввалига “Хандоналар” деб ном бердик. Сўнг жаранглироқ бўлиши учун “Леди-шоу”га ўзгартирдик. Бу кўрсатувнинг муаллифи ўзимман. Мана, беш йилдирки, бирга ижод қиляпмиз. Жамоамизнинг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳати – қизларимизнинг мардлиги ва ўзаро ишончида. Бешта аёлнинг йиллар давомида бир-бирини қўллаб-қувватлаб, аҳил ишлаши – характерларимиз мос тушганидан далоят. Сценарий ва гоюларни доим маслаҳатлашиб, биргаликда бойитамиз.

– Ҳаётдаги қийин вазиятларда ўзингизни қандай қўлга оласиз?

– Қийинчилик туғилганда фақат Яратганга суянаман. Ширим: “Нимаки бўлса, яхшиликка”. Бундай пайтларда оғир-босиқ бўлишга, сукут сақлаб, мушоҳада юритишга ҳаракат қиламан. Тушкунликка тушсам, кўпроқ ёлғиз қоламан ва тафаккур қиламан. Шукр ва сабр билан ҳар қандай вазиятдан чиқиб ўтган бўлиши мумкинлигига ишонаман.

– Агар сизга бир кунлик сукунат берилса, нима қилган бўлардингиз?

– Ибодат қилардим ва китоб ўқирдим. Инсон гоҳида ўзи билан ўзи ёлғиз қолиши, қилган хатоларини англаши ва ҳаётини сарҳисоб қилиши керак. Бир кунлик сукунат мен учун айни шундай имконият бўларди.

– Илк бор қачон поездга чиққансиз ва “Ўзбекистон темир йўллари” ҳақидаги фикрингиз қандай?

– Болалигимдан поездга чиқиб ўсганман. Қишлоғимдан поезд тўхтаб ўтарди. Фаллаоролда яшайдиган холамникига онамлар билан тез-тез борардик. Поездга меҳрим шунчалик бўлганки, агар онам мени олиб кетмасалар, “Поезд орқасидан юғриб бўлса ҳам бораман” деб туриб оларканман. Яқинда Хоразмга ижодий сафар билан бориб келдим. Тўғриси, 12 соатлик йўлни қандай босиб ўтаман, деб ўйлагандим. Аммо шароитлар, вагон кузатувчиларининг муомаласи ва тозалик мени қувонтирди. Жуда шинам ва қулай. Барча темир йўл ходимларига халқимизга қилаётган беминнат хизматлари учун ташаккур билдираман.

Аваз ОМОНОВ суҳбатлашди

БУЮКЛАР ҲИҚМАТИДАН

БЕНЖАМИН ФРАНКЛИННИНГ

ЎЗ-ЎЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Нафсни тий. Олдинга қўйган таомни ҳаммасини ема, думалаб қолгунча ичма.

Сукут сақла. Ўзинга ва бошқаларга фойда бўладиган гапни сўзла, фойда бўлмайдиган гапни гапиришдан сақлан.

Интизомга муҳаббат қўй. Ҳамма буюмларингни қўйиш учун жой, керакли гапни гапириш учун керакли вақт бўлсин.

Уддасидан чиқ. Бажарилиши керак бўлган ишни бажаришни ҳал қил. Ҳал қилдингми, ишни бажаришининг уддасидан чиқ.

Бошқалар ҳақида қайғур. Фақат ўзинга эмас, балки бошқаларга ҳам фойда келтирадиган нарсаларни харид қил. Ҳеч нарсани бекорчи жойларга ишлатма.

Меҳнатсеварлик. Вақтни бекор ўтказма, ҳар доим фойдали иш билан машғул бўл, ҳар қандай бекорчи ишдан нари бўл.

Очиққўнғиллик. Тили бошқа, дили бошқа бўлишдан сақлан. Ҳар доим дилингда ўйлаганингни гапир.

Тўғрисиўзлик. Ҳеч қачон одамларга ёмонликни раво кўрма ва уларни хафа қилма.

Кечиримлилик. Сенга етказилган озор учун ҳеч қачон кек сақлама, ҳаттоки улар хафа бўлишга арзисалар ҳам.

Озодаликка риоя қил. Уйингда ҳам, либосингда ҳам кирлик бўлишга йўл қўйма.

САЁҲАТ ҚИЛИНГ!

ТУРКИЯГА ТАЪТИЛНИ ОЛДИНДАН БАНД ҚИЛИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Сўнги йилларда сайёҳлар ёзги таътилни режалаштиришда эрта банд қилишнинг афзалликларига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқда. Чегирмалар, пакет турлар ва олдиндан режалаштириш натижасида юзага келадиган хотиржамлик кўплаб дам олувчилар учун муҳим омилга айланган.

Expedia Groupнинг 2025 йилги “Саёҳат қиймати индекси”га кўра, эрта банд қилиш ва пакет турлар сўнги 12 ой ичида меҳмонхона танламоқчи бўлган саёҳатчилар учун энг жозибали вариантлардан бири бўлган. Сўров натижалари шуни кўрсатадики, иштирокчиларнинг 50 фоизи пакет турлардаги чегирмаларни айниқса фойдали ва кизиқарли деб баҳолайди.

Турк Ривьерасида куёш бағрига саёҳат

Анталиа романтик саёҳат, ёлғиз хордиқ ёки оилавий таътил учун ҳам идеал танловдир. Эрта банд қилиш орқали шинам меҳмонхоналарда қулай жойни олдиндан банд қилиб, сифатли хизматлар – ресто-



ранлар, SPA марказлари, кўнгилочар мажмуалар ва Белекда жаҳон даражасидаги гольф майдонларидан фойдаланиш имконига эга бўлади.

Анталиа йилига қарийб 300 кун қуёшли об-ҳавоси, туркуаз денгизи ва “Мовий байроқ”га эга тоза соҳиллари билан машҳур. Шунингдек, шаҳар Патара ва Сиде каби антик шаҳарлар, Адриан дарвозаси, Дуден шаршаралари, Караин ва Дамлаташ горлари каби табиий мўъжизаларни ўзида муҳим жасман этган бой маданий ва тарихий меросга эга.

Анталиада саргузаштни севувчилар учун эса Ликия йўли бўйлаб сайр қилиш, Кўпрулу каньонида рафтинг ёки Кашда шўнғиш каби фаол дам олиш турлари мавжуд. Бундан ташқари, шаҳар ёз мавсумида 60

дан ортиқ мамлакатлардан тўғридан-тўғри рейсларни қабул қилиб, Турк Ривьерасининг муҳим халқаро марказларидан бирига айланади. Қолаверса, у Туркиянинг иккинчи йирик халқаро транспорт тугуни ҳисобланади.

Эгейда ёз: гўзаллик ва сокинлик уйғунлиги

Эгей минтақаси мафтункор манзиллари билан сайёҳларни ўзига жалб қилади. Бозжада ва Гўкчеада ороллари ўзининг сокин табиати билан ром этса, Айвалик ва Жунда ороли бетақрор манзаралари билан ажралиб туради. Муғла эса жонли курортлари билан машҳур.

Эгей дурдонаси Измир юқори сифатли ҳаёт тарзи билан эътиборни тортади. Фоча, Сеферихисар, Чешме, Алачати



ва Урла каби масканлар эса унутилмас ёзги дам олиш учун ажойиб имкониятларга бой. Бу ерда сайёҳлар Алачати шомол сёрфинги, Урла узузморлари ҳамда Мишлен юлдузли рестороанларда “фермадан дастурхонгача” тамойилда тайёрланган таомлардан баҳраманд бўлиши мумкин.

Муғла минтақадаги энг ҳашаматли дам олиш масканларига мезбонлик қилади. Бодрум, Фетҳие, Даламан, Мармарис ва Датча сингари табиий гўзалликка эга йўналишлар шу ҳудудда жойлашган. Эрта банд қилиш имкониятлари сайёҳларга Бодрум қалъаси ва қадимий Книдос каби тарихий масканларни кашф этиш, Келебеклар водийси ва Ўлуденизнинг сўлим табиатидан завқланиш имконини беради.



Шунингдек, Бабадаг тоғида парраланда учиш, Изтузу соҳилида денгиз тошбақаларини кузатиш ҳамда ноёб гастрономик тажрибалардан баҳраманд бўлиш саёҳатни янада жозибали қилади.



МУАССИСЛАР:
“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:
Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабиров Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ –
Умида ТҮЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомуҳбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Ташкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-434 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6